



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 30 » июнъ

№ 412

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли ём биларни сотиш ва қайтариб сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида қимматли металлардан ўлчовли ём билар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда қимматли металлар бозори фаолиятини регламентга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3778-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли ём биларни сотиш ва қайтариб сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва қамбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг  
2020 йил “30” июн даги 412-сон қарорига  
илова

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган  
ва қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли ём биларни  
сотиш ва қайтариб сотиб олиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, қимматбаҳо металлардан тайёрланган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда – Марказий банк) томонидан муомалага чиқарилган ўлчовли ём биларни (кейинги ўринларда – ём билар) Марказий банкнинг худудий бош бошқармалари ва тижорат банклари орқали (кейинги ўринларда – шахобча) сотиш ва қайтариб сотиб олиш тартибини белгилайди.

2. Техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мос келадиган ём билар сотиш ва қайтариб сотиб олиш обьекти ҳисобланади.

Ушбу Низом талаблари юридик (шахобчалар бундан мустасно) ва жисмоний шахслар ўртасида қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли ём биларни олди-сотди қилиш операцияларига татбиқ этилмайди.

3. Ём биларни сотиш ва қайтариб сотиб олиш нархлари Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган маржа ва чегирмани қўллаш орқали шакллантирилади.

Бунда Марказий банк фойда олиш мақсадини кўзламайди. Маржа ва чегирма микдорлари халқаро қимматбаҳо металлар бозори конъюнктураси ҳамда ём биларни муомалага киритиш билан боғлиқ харажатлардан келиб чиқиб белгиланади.

4. Ём биларни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ва улардан қайтариб сотиб олиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Ём биларни сотадиган ва қайтариб сотиб оладиган шахобчалар ва уларнинг манзиллари бўйича маълумотлар Марказий банкнинг расмий веб-сайтида мунтазам янгилаб борилади.

5. Тижорат банклари томонидан ём биларни сотиш ва қайтариб сотиб олиш Марказий банк ҳамда тижорат банклари ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

## **2-боб. Ёмбиларни сотиш**

6. Ёмбилар нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан сотилади.

7. Ёмбиларни сотиш нархи ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ҳар куни миллӣ валютада қимматбаҳо металлнинг Марказий банк томонидан белгиланадиган 1 грамм нархи ва Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган маржага асосан белгиланади ҳамда Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

## **3-боб. Ёмбиларни қайтариб сотиб олиш**

8. Ёмбиларни қайтариб сотиб олиш нархи ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ қимматбаҳо металлнинг ёмбилар топширилган кунда Марказий банк томонидан белгиланадиган 1 грамм нархига ва ушбу нархга қўлланиладиган Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган чегирмага асосан белгиланади.

Чегирма миқдори бут ҳолатдаги ёмбиларни ҳамда қадоги бузилган, амалдаги техник талабларга мос келмайдиган ёмбиларни қайтариб сотиб олиш ҳолатлари учун алоҳида белгиланади.

9. Қадоги бузилмаган бут ҳолатдаги ёмбилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат асилик даражасини белгилаш палатасида (кейинги ўринларда – Давлат асилик даражасини белгилаш палатаси) техник экспертизадан ўтказилмасдан қайтариб сотиб олинади ва шахобча ёмби эгаси билан ҳисоб-китобларни ўша куннинг ўзида амалга оширади.

10. Қайтариб сотиб олишда қадоқнинг бузилиши ёки техник талабларга мос келмаслик ҳолатлари шахобчалар томонидан ёмбиларни Давлат асилик даражасини белгилаш палатасига техник экспертизадан ўтказиш учун юборишига асос бўлади.

Ёмбиларнинг асилик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган техник экспертиза учун тўлов Марказий банк томонидан қопланади.

11. Техник экспертизадан ўтказиш зарурати юзага келган ҳолларда, ёмбиларни қайтариб сотиб олиш учун топширган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ ёмбиларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

12. Далолатнома уч нусхада тузилади ва улардан бир нусхаси шахобчада, иккинчи нусхаси ёмби эгасида қолади ҳамда учинчи нусхаси техник экспертиза ўтказилиши учун ёмбилар билан бирга Давлат асилик даражасини белгилаш палатасига тақдим этилади.

13. Ёмбилар шахобчалар томонидан етти иш кунидан ошмаган муддатда техник экспертиза ўтказиш учун Давлат асилик даражасини белгилаш палатасига юборилиши керак.

14. Давлат асилик даражасини белгилаш палатаси томонидан етти иш кунидан ошмаган муддатда техник экспертиза ўтказилади, унинг натижалари ҳақида тузилган далолатнома Марказий банкка ва шахобчага тақдим этилади.

15. Марказий банк Давлат асилик даражасини белгилаш палатасининг техник экспертиза ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномасини олганидан кейин ушбу ёмбини қайтариб сотиб олган шахобча орқали:

бир иш кунида ёмби эгасига экспертиза натижаси ва ҳисоб-китобни амалга ошириш вақти тўғрисида хабар беради;

уч иш кунидан ошмаган муддатда ёмби эгаси билан ҳисоб-китобни амалга оширади.

#### **4-боб. Ёмбиларнинг асилик сертификати ва қадоқланниши**

16. Ёмбилар уларнинг техник хусусиятларини тасдиқловчи сертификат билан қадоқланган ҳолда муомалага чиқарилади. Ҳар бир ёмби сертификати идентификация серия рақамига эга бўлади ва ушбу рақам ёмбининг юза қисмида кўрсатилади.

17. Қадоғи бузилган ёки қадоқсиз ёмбилар шахобча орқали Марказий банк томонидан белгиланган тўлов асосида қадоқланган ва сертификат берилган ёмбиларга алмаштирилиши мумкин. Қадоқланган ва сертификат берилган ёмбилар йигирма иш куни мобайнида топширилган ёмбини Давлат асилик даражасини белгилаш палатасида техник экспертизадан ўтказиш орқали берилади.

18. Экспертиза натижасида қалбакилаштириш аломатлари аниқланган ҳолларда, ёмбилар Давлат асилик даражасини белгилаш палатаси томонидан хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириллади. Ушбу ёмбилар эгаларига қайтариб берилмайди ва қайтариб сотиб олинмайди.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган  
ва қимматбаҳо металлардан тайёрланган  
ўлчовли ём биларни сотиш ва қайтариб сотиб  
олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган  
ва қимматбаҳо металлардан тайёрланган  
ўлчовли ём биларни сотиш ва қайтариб сотиб олиш  
СХЕМАСИ**

**Босқичлар**

**Субъектлар**

**Тадбирлар**

**Муддатлар**

**I. Ўлчовли ём биларни сотиш**

1-босқич	Жисмоний ёки юридик шахслар	1. Ёмбини сотиб олиш учун шахобчага мурожаат қилади. 2. Нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан тўловни амалга оширади.	Тўлов амалга оширилган кунда
----------	-----------------------------	---	------------------------------

2-босқич	Марказий банкнинг худудий бош бошқармалари ва тижорат банклари (кейинги ўринларда – шахобча)	Тўлов амалга оширилгандан кейин техник хусусиятларни тасдиқловчи сертификат билан қадоқланган ҳолдаги ёмбини мижозга топширади.	Тўлов амалга оширилган кунда
----------	--	---	------------------------------

**II. Ўлчовли ём биларни қайтариб сотиб олиш**

*a) бут ҳолатдаги ём билар*

1-босқич	Жисмоний ёки юридик шахслар	Ёмбини қайтариб сотиш учун шахобчага мурожаат қилади.	Ёмби шахобчага топширилган кунда
----------	-----------------------------	---	----------------------------------

2-босқич	Шахобча	1. Ёмбини кўз билан текшириб олади. 2. Қайтариб сотиб олинган ёмби бўйича унинг эгаси билан ҳисоб-китобни амалга оширади.	Ёмби шахобчага топширилган кунда
----------	---------	--	----------------------------------

*б) қадоги бузилган ёки амалдаги техник талабларга мос келмайдиган ҳолатдаги ём билар*

1-босқич	Жисмоний ёки юридик шахслар	Ёмбини қайтариб сотиш учун шахобчага мурожаат қилади	Ёмби шахобчага топширилган кунда
----------	-----------------------------	--	----------------------------------

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
2-босқич	Шахобча	<p>1. Ёмбини кўз билан текшириб олади.</p> <p>2. Ёмбини Давлат асилик даражасини белгилаш палатасига техник экспертизадан ўтказишга юбориш учун далолатномани расмийлаштиради.</p>	Ёмби шахобчага топширилган кунда
3-босқич	Шахобча	Ёмбилар Давлат асилик даражасини белгилаш палатасига техник экспертизадан ўтказиш учун юборилади.	7 иш кунидан ошмаган муддатда
4-босқич	Давлат асилик даражасини белгилаш палатаси	<p>Техник экспертизани ўтказади ва унинг натижалари ҳақида тузилган далолатномани Марказий банкка тақдим этади.</p> <p>Экспертиза хуносасига кўра қалбакилашириши аломатлари аниқланса, ёмби ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилади.</p>	7 иш кунидан ошмаган муддатда
5-босқич	Марказий банк	Шахобча орқали ёмби эгасига экспертиза натижаси ва ҳисоб-китобни амалга ошириш вақти тўғрисида хабар беради.	1 иш кунида
6-босқич	Шахобча	Марказий банк томонидан ўтказиб берилган тўловга асосан ёмби эгаси билан ҳисоб-китоб амалга оширилади.	3 иш кунидан ошмаган муддатда

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган  
ва қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли  
ём биларни сотиш ва қайтариб сотиб олиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва қимматбаҳо  
металлардан тайёрланган ўлчовли ём биларни сотиш нархини ҳисоблаш**

Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли ём биларни сотиш нархи куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\Sigma = V^* P_{G/UZS}^* \left(1 + \frac{M}{100\%}\right) \text{ бунда:}$$

$\Sigma$  – Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли ёмби учун сўмда тўланадиган қиймат (вергулдан сўнг икки хонага қадар яхлитланади);

$V$  – қимматбаҳо металлдан тайёрланган ўлчовли ёмбининг граммдаги оғирлиги;

$P_{G/UZS}$  – бир грамм қимматбаҳо металлнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмда белгиланган нархи;

$M$  – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган маржа миқдори (фоизларда).

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган  
ва қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли  
ём биларни сотиш ва қайтариб сотиб олиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва қимматбаҳо  
металлардан тайёрланган ўлчовли ём биларни қайтариб сотиб олиш  
нархини ҳисоблаш**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо  
металлардан тайёрланган ўлчовли ём биларни қайтариб сотиб олиш нархи  
куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\Sigma = V^* P_{G/UZS}^* \left(1 - \frac{D}{100\%}\right) \text{ бунда:}$$

$\Sigma$  – Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металлдан тайёрланган  
 ўлчовли ёмбини шахобча томонидан қайтариб сотиб олиш учун сўмда  
 тўланадиган қиймат (вергулдан сўнг икки хонага қадар яхлитланади);

$V$  – қимматбаҳо металлдан тайёрланган ўлчовли ёмбининг граммдаги  
 оғирлиги;

$P_{G/UZS}$  – бир грамм қимматбаҳо металлнинг Ўзбекистон Республикаси  
 Марказий банки томонидан сўмда белгиланган нархи;

$D$  – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган  
 чегирма миқдори (фоизларда).



Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган  
ва қимматбаҳо металлардан тайёрланган  
ўлчовли ём биларни сотиш ва қайтариб сотиб  
олиш тартиби түғрисидаги низомга  
4-илова

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва қимматбаҳо  
металлардан тайёрланган ўлчовли ём биларни экспертиза учун  
топшириш түғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА**

\_\_\_\_\_ (тумани) шаҳри 20\_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

Ушбу далолатнома \_\_\_\_\_  
(шаҳобча номи)

(ходимнинг Ф.И.О.)

томонидан расмийлаштирилди ва \_\_\_\_\_  
(яшаш жойи ёки рўйхатдан ўтган манзили)

дан

(жисмоний шахс ёки юридик шахс вакилининг Ф.И.О.)

куйидаги қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли ём билар  
экспертизадан ўтказиш учун қабул қилинди:

Т/р	Ўлчовли ёмби вазни (граммда)	Металл ва асиллик даражаси	Сони (ракамлар ва сўзлар билан)
1.			
2.			
3.			
...			

Мен, \_\_\_\_\_  
(жисмоний шахс ёки юридик шахс вакилининг Ф.И.О.)

юқорида кўрсатилган рўйхатни тасдиқлайман ва Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги хузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси  
томонидан техник экспертиза ўтказилишига розилик бераман.

\_\_\_\_\_  
(сана)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

Қабул қилиб олган ходим \_\_\_\_\_  
(сана)  
(имзо)